



ARTICLE INFO

Received: 14th April 2023

Accepted: 24th April 2023

Online: 25th April 2023

KEY WORDS

Жиноят, ҳисоблаш, етказилган, моддий, зарар, зиён, Жиноят-процесси, ундириш, суд, шикоят, фуқаровий даъво.

ЖИНОЯТ ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН МОДДИЙ ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

Куваталиев Азамат Кимсанбоевич

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши
ҳузуридаги Судьялар олий мактабининг тингловчиси

kimsanboyevisfandiyer@gmail.com

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7865811>

ABSTRACT

Мазкур мақолада жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш тартибига доир масалалар баён этилган. Шунингдек, мақолада жиноят оқибатида етказилган мулкӣ зиённи қоплашга таъриф ҳам берилиб, унда жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарни бартараф этиш учун етказилган зарарни ҳисоблаш, зарар учун моддий жавобгар шахсни аниқлаш ва ушбу шахсдан даъвогар фойдасига у қўрган зарар ўрнини қоплаш ёки пул ундиришга қаратилган чоралар тушунилиши ҳақида фикрлар ҳам таҳлил этилган.

Бизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларни ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сонли Фармони ҳамда 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида:

- жиноятдан жабрланган шахсларга етказилган зарарни қоплашга кўмаклашишнинг самарали механизмларини ўрнатиш;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қилиш ҳолатлари юзасидан зудлик билан зарур чоралар кўриш;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, мурожаатларни кўриб чиқишда сансалорлик ва бефарқ муносабатда бўлиш ҳолатларига йўл қўйганлик учун жинойий жавобгарликкача бўлган жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш, шунингдек бузилган ҳуқуқларни тиклаш бўйича барча зарур чораларни кўриш¹ вазифаси юклатилди.

Жиноят процессида жиноят орқали етказилган зарар ва унинг миқдори тергов ва суд ҳаракатлари давомида аниқланади. Аммо бу ҳолат шахснинг ўзи арз қилган

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги «Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» ПФ-6041-сонли Фармони / <https://lex.uz/docs/4939467>.



пайтдан бошлаб унинг жабрланувчи деб тан олинишига тўсиқ бўлмаслиги керак. Акс ҳолда зарар кўрган шахс ўзининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ўз вақтида ҳимоясини амалга ошира олмайди.

Холбуки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (ЖК) 14-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, “ушбу Кодекс билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавfli қилмиш деб топилади”. Аммо жиноят-процессуал кодекси (ЖПК) нинг 54-моддасида эса “жиноят, худди шунингдек ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади”, дейилган. Шу ўринда ушбу қоидаларнинг ўзаро мос келмаётганини кўриш мумкин. Маълумки, ЖК 25-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ “Жиноятга тайёргарлик кўрганлик ва жиноят содир этишга суиқасд қилганлик учун жавобгарлик ҳам ушбу Кодекс Махсус қисмининг тамом бўлган жиноят учун жавобгарликни белгилувчи моддасига мувофиқ ҳал қилинади”, деб белгиланган. Бир қатор хорижий давлатлар Швеция, Германия, Озарбайжон жиноят процессуал қонунчилигида шахснинг ҳуқуқлари бузилишининг ўзи уни жиноят қурбони сифатида тан олинишига асос бўлиб хизмат қилиши белгиланган.

Жиноят оқибатида етказилган зарар жисмоний, маънавий ёки мулкый (моддий) зарар шаклида ифодаланади. Ўз моҳиятига кўра, шахсга етказилган ҳар қандай зарар ундирилиши лозим. Жиноят оқибатида етказилган моддий, мулкый зарар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал қонун ҳужжатларида ўз аксини топган ва энг кўп тарқалган зарар турларидан биридир. Бундай зарарни ундириш эса жиноят-процессда фуқаровий даъво кўринишида амалга оширилади ва у Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 33-бобида бевосита кўзда тутилган.

Жиноят-процессда бевосита жиноят оқибатида ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкый зиённи қоплаш, шунингдек жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стационарда даволаниш харажатларини ҳамда суғурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар кўрилади.

Жиноят натижасида етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарни ундиришнинг жиноят-процессуал шаклларида энг самаралиси фуқаровий даъво ҳисобланади².

Қонунчилигимизда “жабрланувчи² жиноят ишларини юритишда асосан ўзининг жиноят оқибатида бузилган қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш ёки унга етказилган моддий зарарни қоплашни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Жабрланувчининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириши бир неча омилларга: процессуал ҳуқуқларини қай даражада билиши ва улардан фойдаланишга бўлган хоҳишига боғлиқ.

²Тўраева Д.Р. Жиноят натижасида етказилган мулкый зиённи қоплаш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 24 бет.



Жиноят процессида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишнинг иккита вазифаси мавжуд:

- 1) қонун билан кафолатланган процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширилишини таъминлаш;
- 2) жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш (бартараф этиш).

Жабрланувчининг жиноят процессида иштирок этиши жиноят ишини юритиш жараёнида ўз ҳуқуқларини тиклашига эришишининг асосий воситаси бўлиб, жиноят натижасида шахсга маънавий, жисмоний ва мулкӣ зарар етказилганлигидан келиб чиқади³.

Илтимоснома ва шикоятнинг ҳал қилиниши йўлида сансалорликка йўл қўйилган ёки уни ҳал этиш муддати узайиб кетганда, жабрланувчи суриштирувчи ёки терговчини хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиб, уларни назорат этувчи прокурорга, назорат этувчи прокурор шундан сўнг юқори турувчи прокурорга мурожаат қилиши мумкин. Жабрланувчининг суриштирувчи ёки терговчининг ҳаракати ва чиқарган қарорлари юзасидан шикоятлари шикоят келтирилаётган суриштирувчи ёки терговчи орқали прокурорга тақдим этилади.

Жиноят оқибатида етказилган мулкӣ зиённи қоплаш деганда жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарни бартараф этиш учун етказилган зарарни ҳисоблаш, зарар учун моддий жавобгар шахсни аниқлаш ва ушбу шахсдан даъвогар фойдасига у қўрган зарар ўрнини қоплаш ёки пул ундиришга қаратилган чоралар тушунилади.

Жиноят иши бўйича ашёвий далиллар деб топилган жиноят предметлари тергов аппаратининг ашёвий далиллар сақланадиган хонасида туради. Уларни эгаларига ўз вақтида қайтариш учун, ЖПКнинг 287-моддасида шундай деб белгиланган: “Жиноят содир этилиши натижасида жабрланувчи ёки юридик шахснинг йўқолган ва ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулки эгасига қайтарилиши лозим. Жабрланувчи вафот этган тақдирда унинг мол-мулки меросхўрларига, тугатилган юридик шахснинг мол-мулки эса, унинг ҳуқуқ ворисига ўтказилади”.

Агар жиноят ишида эгасини аниқлаб бўлмаган мол-мулк мавжуд бўлса, у давлат эгалигига ўтказилади. Мол-мулкни қайтариб бериш ёки уни давлат эгалигига ўтказиш суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ажримига асосан, иш тугатилганда эса, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажримига кўра амалга оширилади.

Судда кўрилиши керак бўлган иш бўйича терговчи ёки прокурор мол-мулкни эгасига қайтариш ёки давлат мулкига айлантириш ҳақидаги масалани ўз қарори билан ҳал қила олмайди. Бундай иш бўйича бу масала фақат суднинг ваколатига киради.

Жиноят содир этилиши натижасида маҳрум бўлинган ва иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулкнинг мулкдори ёки қонуний эгаси бу мол-мулкдан воз кечса ва унинг қийматини ундириб бериш тўғрисида фуқаровий даъво қўзғатса, суд

³Тураева Д.Р. Жиноят натижасида етказилган мулкӣ зиённи қоплаш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 24 бет.



мол-мулкдан воз кечишни асосли деб топиб, фуқаровий даъвони қаноатлантирган ҳолда мол-мулкни маҳқумга ёки фуқаровий жавобгарга беради.

Суд мол-мулкдан воз кечишни асосиз деб топса, даъвони қондирмайди ёки қисман қондириб, қайтариладиган мол-мулкнинг қиймати қанчага пасайган бўлса, шу суммани ёхуд товар кўринишини йўқотганлиги сабабли (таъмирлаш зарур бўлса), таъмирлашга қилинадиган чиқим суммасини ва товонини жабрланувчи ёки фуқаровий даъвогар фойдасига ундириб беради. Мол-мулкнинг дастлабки ва кейинги қиймати ҳамда товар кўринишини йўқотганлик учун товон пули мутахассис ёки эксперт иштирокида аниқланади, таъмирлаш қиймати эса, таъмирлашни амалга ошираётган ва таъмирланганлигини тасдиқлайдиган корхона берган ҳужжат асосида аниқланади⁴.

Хусусий эгаликда бўлиши ман қилинган мол-мулк иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бўлса, мулкдор тўғри ёки ғайриҳуқуқий равишда қўлга киритганига қараб, у реквизиция қилинади ёки мусодара этилади, яъни мол-мулк ҳақини тўлаш ёки тўламаслик шарт билан суд томонидан бундай мол-мулкка (дори-дармонлар, ўқотар қурол ва шу кабиларга) эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган тегишли давлат органига ёки юридик шахсга берилади.

Шулاردан келиб чиқиб, “Етказилган зарарни ўндириш терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфи қилмиши натижасида жисмоний ёки юридик шахсга етказилган мулкнинг зарарнинг ўрни қопланишини таъминлаш чораларини кўриш фаолиятидир”, деган муаллифлик таърифини бериб ўтаемиз.

Бунда фуқаровий даъво қўзғатилиши, мол-мулк хатланиши ва бошқа бир қатор чоралар қўлланилиши мумкин. Зарарни қоплаш масаласи суд томонидан узил-кесил ҳал этилиши шарт.

Жиноят содир этган шахсга нисбатан жазо тайинланиши жабрланувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал этмайди. Фақат жазо тайинлаш билан чекланиш эса, ўз навбатида, жиноятдан зарар кўрган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўлиқ таъминланмаслигига олиб келади. Моддий зарарнинг қопланмаслиги фуқароларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига, яъни жабрланувчининг давлатга бўлган ишончсизликнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зиённи шахсга етказилган зиён, мулкка етказилган зиён ва маънавий зарар каби кўринишларда таърифланади.

Жабрланувчи ўзига етказилган зарарни қандай шаклда қоплашни талаб қилса, айбланувчи худди шу тартибда тиклаб беришга мажбур. Айбланувчи ёки ишни юритишга масъул бўлган органлар зарарни қоплаш шаклини жабрланувчининг розилигисиз ўзлари мустақил белгиласалар, жабрланувчи ярашиш истагидан воз кечиш ҳуқуқига эга бўлади. Шундай экан, яраштирув ишлари юзасидан етказилган

⁴Тураева Д.Р. Жиноят натижасида етказилган мулкнинг зиённи қоплаш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 27 бет.



зарарни қоплаш шакли жабрланувчининг ихтиёридан келиб чиқиб ҳал этилиши зарур⁵.

Тергов амалиётида шахснинг жиноят ёки ижтимоий хавfli қилмиш туфайли маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар кўрганлиги етарли далиллар билан тасдиқланган тақдирда уни жабрланувчи, деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан қарор, суд томонидан эса ажрим чиқарилади. Ушбу процессуал ҳужжат чиқарилган вақтдан бошлаб шахс жабрланувчи мақомига эга бўлади ҳамда ЖПКнинг 55-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Етказилган зарарни қоплаш бевосита жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинладиган жазо тури ва миқдори, ҳаттоки ярашув асосида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси ва Олий Суд Пленуми жиноят процессида фуқаровий даъво институтини қўллаш борасида юзага келадиган бошқа муносабатларни ҳам тартибга соладиган қоидаларни назарда тутган:

Жиноят процессида фуқаровий даъво жиноят содир этилиши оқибатида йўқолган ва иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулкнинг миқдори ёки қонуний эгаси бу мулкдан воз кечиб, унинг қийматини ундириб бериш юзасидан кўзғатилиши ЖПКнинг 288-моддасида кўрсатилган. Бундай мазмундаги даъво жиноят содир этилиши натижасида жабрланувчи ёки юридик шахснинг йўқолган ва суриштирув чоғида айбланувчи ёки учинчи шахсдан олиб қўйилган, ашёвий далил деб эътироф қилинган мулк эгасига ҳеч бир шикоятсиз моддий қийматини тўлиқ сақлаган ҳолда қайтарилиши тўғрисидаги қоидадан келиб чиқади.

Масалан, ЙТХ туфайли ишда жабрланувчи тариқасида эътироф этилган шахсга тегишли “Некция” русумли автомашина яроқсиз ҳолатга келган. Мулк эгаси автомашинадан воз кечиб, унга янги автомашина олиб беришини фуқаровий жавобгардан талаб қилиб, даъво аризаси билан мурожаат этади. Суд мутахассис ёрдамида автомашинанинг дастлабки ва кейинги қиймати, таъмирлаш қийматини эса таъмирлашни амалга ошираётган корхона берган ҳужжат асосида аниқлаб, даъвогарга яроқсиз ҳолатда автомашинанинг қиймати ва унинг автоҳалокатдан олдинги қийматини ташкил қиладиган суммалар фарқини жавобгардан ундириб берган.

Албатта, мулкдор ёки мулкнинг қонуний эгаси қайтарилаётган мулкдан воз кечиши сабаблари суд томонидан ўрганилиб, воз кечиш асосли деб топилганда, фуқаровий жавобгарга берилади. Агарда мулкдан воз кечишни суд асоссиз деб ҳисобласа, даъво қаноатлантирилмайди ёхуд қисман қаноатлантирилиб, қайтариладиган мулкнинг қиймати қанча пасайган бўлса, шу суммани жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар фойдасига ундириб берилиши лозим.

Ишни судга қадар юритиш босқичида ижтимоий хавfli қилмиш содир қилинганлигини, содир қилган шахснинг жиноятни қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир қилганлиги билан бирга содир этилган жиноят нафақат қонун

⁵Тураева Д.Р. Жиноят натижасида етказилган мулкый зиённи қоплаш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 29 бет.



билан қўриқланадиган муносабатларга, шу жумладан, инсон манфаатларига маълум даражада зарар етказди.

Зарар моддий, жисмоний ёки маънавий шаклларда намоён бўлади. Умумэтироф этилган принципларга асосан етказилган зарар қопланиши ёки бартараф этилиши лозим. Бу вазифа фуқаролик ҳуқуқидаги зарар институти, жиноят процессида жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш институти орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг бешинчи бўлимида тартибга солинган жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш механизмида фуқаровий даъво институти муҳим ўрин эгаллайди.

Жиноят-процессуал кодекснинг 275-моддасида белгиланганидек, бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкый зиённи қоплаш, шунингдек жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стоционарда даволаниш харажатларини ҳамда суғурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида қўрилади. Фуқаровий даъвонинг судловга тегишлилиги бу даъво қўзғатилган жиноят ишининг қайси судловга тегишлилигига қараб аниқланади⁶.

Жиноят процессида қўриладиган фуқаровий даъволар нафақат мулкый зиённи қоплаш, жабрланувчини дафн этиш ёки унинг даволаниши учун кетган харажатларни, суғурта маблағларини ёки нафақа пулини ундиришга ҳам қаратилгандир. Жиноят натижасида етказилган зиённи қоплаш бевосита жиноят содир этган шахсга нисбаатан тайинладиган жазо тури ва миқдори, хатто ярашув институти асосида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг жинойий жавобгарликдан озод қилишниёинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Жабрланувчини дафн этиш, касалхонада ёки стоционарда даволаниш харажатларини ҳамда суғурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш жиноят содир этилгандан кейин юзага келадиган оқибатларни келтириб чиқаради. Аммо, бундай мазмундаги асос жиноят ишини тергов қилиш давомида фуқаровий даъволарни қўзғатиш тартиби ўзгача бўлишини тақазо этади. Аммо ЖПКнинг 276-моддасида фуқаровий даъвони қўзғатиш ёзма ёки баённомада акс эттирилган оғзаки ариза бериш билан чекланиб, ушбу фуқаровий даъвога доир ҳолатларни синчковлик билан тўлиқ ва холисона текшириш тартиби амалдаги ЖПКда назарда тутилмаган. Шу боис ҳуқуқшунос ЖПКнинг 280-моддасида фуқаровий даъво бўйича юзага келадиган процессуал муносабатларни жиноят процесси принципларига хилоф бўлмаган фуқаровий-процессуал қонун ҳужжатларининг қоидаларига асосан тартибга солишни тавсия этади. Жиноят процессида фуқаровий даъво тушунчасини таърифлашда жиноят туфайли етказилган мулкый зиён ва жисмоний зарарни ундириш– бунинг учун махсус ваколат берилган мансабдор шахслар ва органларнинг расмий фаолияти эканлиги ҳисобга олиниши лозим. Етказилган мулкый зиён ва жисмоний зарарни фуқаровий даъво қўзғатиш йўли билан ундириш фаолияти бундай даъво тақдим этиш ва қабул қилиш, шахсни фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш, тақдим этилган даъводаги талабларни

⁶Тураева Д.Р. Жиноят натижасида етказилган мулкый зиённи қоплаш: Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2021. – 30 бет.



асослаш, уларни таъминлаш бўйича зарур чоралар қабул қилиш ва бошқаларни ўз ичига олади. Ушбу фаолият фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарнинг ёки уларнинг қонуний вакилларининг терговга қадар текширув ва дастлабки тергов жараёнида фаол иширокини талаб қилади.

Хулоса қиладиган бўлсак, моддий зарарни ундиришнинг энг оддий ва шу билан бирга самарали усули реституция ҳисобланади. “Реституция” сўзи латин тилидан (Restitutio) таржима қилинганда, “тиклаш”, “аввалги, дастлабки ҳолатга қайтиш” деган маъноларни англатади⁷. Мазкур атамадан асосан фуқаролик ва халқаро ҳуқуқда кенг фойдаланилади, аммо у жиноят-процессуал муносабатларда ҳам қўлланилиши мумкин. Реституция жиноят процессида жиноятдан моддий зарар кўрган жабрланувчининг жиноят содир бўлгунига қадар мавжуд бўлган мулкӣ ҳолатининг қайта тикланишини ифодалайди. Лекин, ўғирланган буюм ўз эгасига қайтарилишининг имкони бўлмаган тақдирда, қоидага кўра, моддий зарарни ундириш фуқаровий даъвони кўзғатиш шаклида амалга оширилади.

References:

⁷Волколуп О.В., Чупилкин Ю.Б. Гарантии прав участников уголовного судопроизводства Российской Федерации: Учеб. пособие. 2-е изд., испр. и дополн. -Краснодар: Кубанск.гос. уни-т., 2005. – 160 С.